



Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Оқилликнинг
биринчи белгиси
ўз ҳаракати,
айтган сўзи
оқибатини кўра
билишдир

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 15-sentabr, chorshanba, 99 (23.535)-son



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Марказий сайлов комиссияси қарорига мувофиқ, шу йилнинг 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Президентлик сайловларида иштирок этадиган номзодлар рўйхатга олинди:



Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан
Алишер Қодиров



Ўзбекистон Экологик партиясидан
Нарзулла Обломуродов



Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан
Мақсуда Ворисова



Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан
Баҳром Абдуҳалимов



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан
Шавкат Мирзиёев

24 OKTABR 2021-YIL SAYLOVI

39

КУН ҚОЛДИ



Каттақўрғонда университет очилди

Бундан 4-5 йил аввал битирувчиларнинг бор-йўғи 9 фоизи олий таълим муассасаларига ўқишга кирарди. 2021-2022 ўқув йилига келиб, мактабларни тамомлаган ёшларнинг 28 фоизи талаба бўлди. 2030 йилда бу кўрсаткич 50 фоизни ташкил этиши керак.

Кеча Самарқанд давлат университети Каттақўрғон филиалининг очилиш маросимида вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов шу ҳақда сўз юритди.

– Эндиликда ёшларнинг ўқишга кириши осон, аммо диплом олиши қийин бўлиши ке-

рак, – деди ҳоким. – Айрим нуфузли олий ўқув юртлирида, масалан, Турин политехника университети талабаларининг 50-60 фоизи, фақат билимиларигагина диплом олар экан. Бугун фаолиятини бошлаётган филиал ҳам Турин, Кембридж, Оксфорд каби олий таълим муассасаларидек нуфузли бўлишига ишонаман. Бунинг учун талабалар яхши ўқиши, турли республика ва халқаро танлов ҳамда илмий анжуманларда фаол иштирок этиши керак.

Вилоятимизда кейинги беш йилда 6 та янги олий ўқув юрти ташкил этилди. Бугунги кунда мазкур муассасаларда 60 мингга яқин ёшларимиз таҳсил оляпти.

Каттақўрғон шаҳрида очилган университет филиалида 2021-2022 ўқув йилида 11 йўналиш

бўйича 673 нафар абитуриент, жумладан, 359 нафари давлат гранти, 314 нафари эса тўлов шартнома асосида талабалikka қабул қилинди. Уларнинг 559 нафари Самарқанд вилояти ёшларидир.

– СамДУ Каттақўрғон филиалига тест синовларидан юқори бал билан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлдим, – дейди Мухлиса Очилова. – Бу олий таълим муассасасининг очилиши мамлакатимизда биз, ёшлар учун яратилаётган имкониятлардан биридир. Шунингдек, яшаш манзилимизга яқин жойда ўқиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Биз энди фақат бундай кулайликлардан унумли фойдаланиб, яхши ўқишимиз керак.

Филиалнинг таълим-тарбия жараёнларини замон талабларига мос холда ташкил этиш учун ажратилган 950 ўринли ўқув биноси ва 200 ўринга мўлжалланган талабалар турар жойини жорий таъмирлаш, мебель, замонавий компьютер техникаси, ўқув адабиётлари ва бошқа моддий-техник воситалар билан тўлиқ жиҳозлаш ишларига 7,5 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

«Эътироф қозонганлар»

Нарпайнинг ғайратли аёли

Қишлоқ хўжалиги соҳаси ходими бўлиш ҳар қандай аёлнинг ҳам қўлидан келмайди. Нарпайлик Зайнаб Ҳайдарова иш фаолиятини ҳамшираликдан бошлаган. Олий таълим муассасида педагогика йўналишида таълим олиб, болалар боғчасида мудира вазифасида ишлади. Кейинчалик қишлоқ хўжалиги институтида ҳам таҳсил олди. 1984 йилдан бошлаб, 20 йилдан зиёд вақт давомида тумандаги «Зарафшон» жамоа хўжалигида бригада бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатди. 2006 йилдан бери фермерлик билан шуғулланиб келяпти.



бугунги яратилаётган шароитларга шукр қилади.

– Собиқ иттифоқ даврида уч ойлаб пахта терардик, – дейди у. – Ноябрь ойининг охирида ҳам ярим тунгача, баъзан тонгача кўрақларни варақадан чиқариб, пахта қабул қилиш пунктга топширувчимизча кош-киприкларимни кирив босарди. Пахта пуллари қаерга кетарди, билмас эдик.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

Шаҳар ҳокимлиги томонидан давлат ва нодавлат мактаб-гача таълим ташкилотлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини ўрганиш бўйича журналист ва блогерлар иштирокида пресс-тур ташкил этилди.

Дастлаб журналистлар шаҳарнинг Куллолар маҳалласида жойлашган, жорий йил инвестиция маблағлари асосида қайта таъмирдан чиқарилган 43-МТда бўлди. Икки миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланган мазкур МТда 60 нафардан ортқ болажонларга 12 нафар ўқитувчи ва тарбиячилар сабоқ бермоқда. Муассаса табиий газ ва электр энергиясига мослаштирилган иккита замонавий печлар ёрдамида иситилади.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари 71-мактабгача таълим ташкилоти ҳамда «Sam Golden kids» нодавлат мактабга-

Бир қараганда кадастр хизматида кўп ислохотлар қилинди. Кадастр агентлиги ва Давлат кадастрлар палатаси ташкил этилди. Коррупцион ҳолатни бартараф этиш мақсадида кадастр хизматлари Давлат хизматлари агентлиги орқали бажариладиган бўлди.

Соҳадаги баҳолаш тизими электрон усулга ўтказилди. Ернинг электрон базаси яратилди. Унинг ўзимизга хос ва мос дастури ишлаб чиқилди. Ерга эгалик ҳуқуқини бериш ҳокимликлардан олинди. Энди бу ҳуқуқ очик аукцион натижасига қараб берилди. Мулкни, ерни баҳолаш электрон усулда ўтказилди.

Аммо бу соҳада силжиш нега кўзга ташланмапти? Нега ҳамон уй-жой низои кўплигича қолмоқда?

Келинг, аввал айрим ҳолатлар ҳақида тасаввуримизни аниқлаб олайлик.

Ҳали қишлоқларимизда эгасиз уйлар бор. Нега эгасиз, дерсиз? Ахир уларда ҳам кимлардир яшайпти-ку?! Тўғри, кимдир яшайпти, ер солиғи ҳам тўлаб турибди. Электр энергияси, табиий газ (албатта, бор ерларда), сувдан фойдалангани ва чикинди учун ҳам пул тўлапти. Аммо уй-жойга эгалик ҳуқуқи бўлмагани боис мулк солиғи тўламайди. Мулк солиғи ер солиғидан анча кўплигини яхши биламиз.

Сабаби оддий: ўша пайтда амал қилган қонунлар асосида бундай уйларга ҳокимият томонидан эгалик ҳуқуқи берилмаган. Хатто колхоз правленийеси, қишлоқ советининг қарори ҳам йўқ. Аммо уй йил-

Самарқанд шаҳри қишки мавсумга тайёрланмоқда

ча таълим ташкилотларида ҳам бўлиб, муассасаларнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини ўрганди.

Пресс-тур иштирокчилари вилоят Матбуот уйида шаҳар ҳокими Б.Облокулов билан учрашувда ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган аҳоли қатламни уй-жой билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда ижтимоий соҳа объектларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати юзасидан маълумотларга эга бўлди.

Таъкидландики, жорий йил давомида 853 нафар фуқарога субсидия ажратилиши белгиланган. Ҳозирга қадар 3800 га яқин аризалар қабул қилинган. Улардан 853 тасига ижобий ҳулоса берилган бўлса, 1252 та ариза рад этилган. Қолган муножабатлар махсус комиссия томонидан ўрганиб чиқилмоқда. Утган йили 533 та ижобий

хулоса олган фуқароларга молия бўлимлари томонидан 20,331 миллиард сўм, тижорат банклари томонидан эса 133,5 миллиард сўм ипотека кредитлари ажратилган.

Самарқанд шаҳрида 1024 та кўп қаватли уй-жойларга 115 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ва 11 та профессионал бошқарув ташкилотлари хизмат кўрсатади. Жорий йилда 7,8 миллиард сўм ажратилиб, 40 та лифт янгисига алмаштирилиб, 227 та эски лифтилар жорий таъмирланган.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида 140 та кўп хонадонли уй-жойларнинг том қисми жорий, 105 та уйнинг фасад қисми, 58 та уйнинг ертўласи, 26 та кириш йўлаклари таъмирланиб тартибга келтирилган. Таъқи ертиш тизимлари, ирригация тармоқлари ўрнатилган.

«Мавсумга ҳозирлик»

Самарқанд шаҳридаги РК-2 қозонхонасини «FCG Design and Engineering Ltd» (Финландия) компанияси билан тузилган шартномага асосан модернизация ва реконструкция қилинган, А ва Б кичик туман (микрараён)лар, Сугдиёна ва Сартепа массивларида жойлашган 381 та кўп қаватли уйларда марказлашган иссиқлик таъминоти қайта тикланади.

– Шаҳримиздаги 193 та маҳалладаги 119,2 мингга хонадон табиий газ, қолган маҳаллалардаги 6873 та аҳоли хонадонлари эса суюлтирилган газ билан таъминланган, – дейди Б.Облокулов. – 2,7 километр табиий газ қувури муқаммал таъмирланиб, 1,5 километри реконструкция қилинди. Беш дона стационар, 2344 дона газ тақсимлаш қутилари таъмирланди.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.

«Кун мавзуси»

Ҳовлининг эгаси ким?

Ёхуд кадастр хизматидаги муаммолар хусусида

лар давомида отадан фарзандга ўтиб келаверган. Айрим уйлар хатто БТИ (техник бюро инспекцияси) ҳужжати бўлмаса-да, иккинчи, учинчи шахсга сотиб юборилган.

2018 йилгача мавжуд қонун талабига кўра, агар шахс бир хонадонда 15 йил давомида яшаб, барча тўловларни амалга оширган бўлса, ўша уй унга хатлаб берилган. Кўпчилик бу имкониятдан фойдаланмаган. Бундан ташқари, ўзбошимчилик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси давомида кўплаб уй-жой эгасига эгалик ҳуқуқини бериш рад этилган.

Маълумотларга кўра, ҳозирда қишлоқ жойларидаги 878072 та уй кадастр базасига киритилган. Уларнинг 35 фоизидоғина эгалик ҳуқуқи бор. Аммо улар мулк солиғини уй қурилган пайтда белгиланган (одатда бизда бу меъёр бир хона, бир дахлиз, ҳожатхона тарзида олинади) баҳо асосида тўлаб келинади. Ваҳоланки, ундан кейин ҳовлида янги, хатто икки қаватли бинолар қурилган. Лекин қонун асосида қайта баҳоланмаган ва расмийлаштирилмаган.

Қишлоқ жойларида яна бир муаммо – уй-жойларнинг қонунда белгиланганидан ортқ эгалланганида, фермер хўжаликлари ҳудудидан ўзбошимчилик билан уй-жой қуриб олинганидир.

Тўғри, бунинг учун фермерга чора қўрилар, би-

роқ бугун қишлоқ тусини олган уй-жойларни қандай бузамиз? Бундай уйлар айримлар учун ягона яшаш маскани ҳисобланади. Шу ўринда айрим рақамларни айтиб ўтсам.

Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармасининг ҳудудий бўлимлари иш юритувчи жорий йилнинг август ойига қадар судлар томонидан ноқонуний қурилма, деб топилган 4729 та (669,12 гектар) иншоотни бузиш тўғрисида ижро ҳужжатлари келиб тушган.

Ижро ҳужжатларида кўрсатилган, ноқонуний қурилган 4187 та уй-жойда аҳоли мунтазам яшаб келяпти. Шундан 3277 та уй-жой маҳалла таркибида массив шаклида, 910 та уй-жой эса маҳалла четларида ноқонуний қурилган.

Шу билан бирга, 541 та ноқонуний қурилмаларда аҳоли яшамаётганлиги, уларнинг 202 таси тўлиқ қуриб битказилгани, 184 тасида қурилиш тугалланмагани, 155 тасида пойдевор қисми ёки бошланғич қурилиш қилингани аниқланган.

Утказилган таҳлилларга кўра, ноқонуний қурилган 65 та уй-жойга маҳаллий ҳокимликлар томонидан ер участкаларига эгалик ҳуқуқи берилиб, шу вақтнинг ўзига айнан шу ҳокимликлар томонидан ушбу уй-жойларни бузиш юзасидан судларга даъво аризалар киририлган ва судлар томонидан бундай даъво аризалари қаноатлантирилган.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

Собиқ тракторчи

хизмат кўрсатган маданият ходими бўлди

Ҳа, бу бор гап. Бундан 30-40 йил аввал тракторчи бўлган булунғурлик Эшбек Нормуродов бугун ана шундай юксак унвонга сазовор бўлди. Бу осон кечмади, албатта.



Аслида болалигидан санъатга меҳр қўйган йигит учун ўтган асрнинг 80-йилларида ўзи истаган йўналиш бўйича олий ўқув юртига киришининг имкони бўлмади. Жиззахдаги қишлоқ хўжалик техникумини тамомлаб, 10 йилга яқин хўжалиқда тракторчи бўлиб ишлади. Аммо санъаткор бўлиш орузидан воз кечмади.

Эргаш ака ўзи туғилиб ўсган Булунғурга қайтиб, бир мuddат тумандаги касб-хунар билим юртида мутахассислиги бўйича ўқитувчи, ёшлар ташкилотида котиб бўлиб ишлади. Шу билан бирга туман маданият бўлимига қарашли «Чавқи» фольклор-этнографик ансамблида ҳаваскор иштирокчи сифатида фаолият олиб борди.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

Нодавлат нотижорат ташкилотлари – сайлов жараёнидаги муҳим жамоатчилик назорати субъекти

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови бўлиб ўтadиган кун — 24 октябрь санаси ҳам тобора яқинлашмоқда.

Демократик сайловларни фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокисиз тасаввуру эбу бўлмайдми. Улар сайловларнинг шаффоқлиги ва очиклигини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларига асосан, мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг сайловларда фаол иштироки бўйича етарли ҳуқуқий асос ва имкониятлари яратилган. Ушбу имкониятларни билиш ва улардан кенг фойдаланиш, нафақат сайловларнинг демократик руҳда ўтишига, балки мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг ривожланишига ҳам туртки бўлади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида халқаро нормалар ҳамда демократик принципларга тўла жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси асосида амалга оширилмоқда. Унда халқаро норма ва стандартларга мос равишда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг сайловлардаги иштироки аниқ белгилаб берилган.

Жумладан, Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларига жамоат бирлашмалари ва ташки-

лотларнинг вакиллари ҳам таклиф этилади. Жамоат бирлашмалари ўз аъзоларининг хоҳиш-иродаларини эркин билдириш мақсадида Марказий сайлов комиссияси йиғилишларида иштирок этишини сайлов жараёнининг очиклиги ва шаффоқлиги сифатида эътироф этиш мумкин.

Шу билан бирга, участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан кўрсатилишини давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг сайловларни ташкил этиш ва ўтказишдаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигига мисол сифатида айтиш мумкин.

Мазкур кодексга асосан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин. Бугун мамлакатимизда демократик институт сифатида шаклланди институт вакиллари мудиридан олдин овоз бериш, овоз бериш кўни сайлов участкасининг очилиш ва сайлов натижаларини аниқлаш ва эълон қилиш жараёнида кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин. Бугун мамлакатимизда демократик институт сифатида шаклланди институт вакиллари мудиридан олдин овоз бериш, овоз бериш кўни сайлов участкасининг очилиш ва сайлов натижаларини аниқлаш ва эълон қилиш жараёнида кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин.

Шунингдек, ННТлар сайловда ташвиқот ишларида, овоз бериш, сайлов натижаларини ҳисоблашда бевоқиф иштирок этиш ҳуқуқи орқали сайлов жараёнининг ҳар бир босқичида самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконияти яратилади. Шу сабабли,

мамлакатимизда сайлов жараёнидаги ошкоралик, шаффоқлик, ҳаққонийлик, холислик каби демократик принциплари асосида амалга оширишда ННТлар энг муҳим ўрин эгаллайди. ННТлар ўз фаолиятини тегишли комиссиялар томонидан берилган мандатларга мувофиқ амалга ошириб, сайлов участкасида ушбу кодекснинг талаблари бузилишига йўл қўйилган, деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, тегишли сайлов комиссиясига маълум қилиш лозим ҳисобланади.

Шунингдек, кодексга кўра, Марказий сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширувчи Эксперт гуруҳини тузиши мумкин. Эксперт гуруҳи таркибига давлат органлари қатори фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳам жалб этилиши жамоатчилик назорати сифатида жамоат бирлашмалари аъзоларининг манфаатлари ва эътиёжларини акс эттиришга асос бўлади.

Ўқоридигларнинг барчаси нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан сайлов жараёнида устидан таъсирчан жамоатчилик назорати ва сайловларда фаол иштирок этиши орқали мамлакатимизда давлат бошқарувида очиклик ва ошкораликнинг янада мустаҳкамланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ф.РАҲМАТОВ, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди бош мутахассиси.

2018 йил вилоятимизда умумий қиймати 287 миллиард 596 миллион сўмлик 10 та инвестиция лойиҳаси режалаштирилган. Бироқ уларнинг бирортаси амалга оширилмаган. 2019 йил билан лойиҳа - "Перфект фарм" масъулияти чекланган жамияти томонидан "In bulc" асосида дори воситалари ишлаб чиқариш бошланган.

2020 йилда эса 122,95 миллиард сўм ўзлаштирилиб, 3 та лойиҳа ишга туширилди. Йил якунлари бўйича маҳаллий ишлаб чиқарилган дори воситалари ҳажми 96 миллиард сўмни ташкил этди. Бу 2019 йил билан солиштирганда 2 баробар (2019 йилда 46 миллиард сўм) кўпайганини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда 2 та корхона томонидан 5 хорижий мамлакатга фармацевтика маҳсулотлари экспорт қилинмоқда. Биргина, 2020 йилда 925,3 минг долларлик дори воситалари ва 722 минг долларлик тиббий буюмлар хорижий давлатларга сотилди.

Айни пайтда вилоятда 7 та дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчи корхона, яна шунча профилактика муассасалари қошидаги дори воситалари тайёрлашни ташкил этувчи дорихона фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 71 та дори воситаларини улғуржи реализация қилувчи ташкилот, 1554 та (шу жумладан, 208 та ижтимоий дорихона) чакана реализация қилувчи дорихона ва филиаллар рўйхатга олинган.

Фармацевтика соҳасини янада ривожлантириш мақсадида вилоятда 2021-2022 йилларда умумий қиймати 417,7 миллиард сўм (38,4 миллион АҚШ доллари) бўлган 7 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиши режалаштирилган.

Жорий йилда фармацевтика йўналишида 5 та лойиҳани ишга тушириш кўзда тутилган. Жумладан, "Фортуна Ургут



Дори воситалари ва тиббий буюмлар экспортга ҳам чиқариляпти

медикал" МЧЖ томонидан тайёр дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарилади. "Samarkand England Eco-Medical" МЧЖда эса 300 миллион доната блетка ва капсула шаклидаги тайёр дори воситаларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, "Полидар Фарм" МЧЖда шамчалар (суппозиторий) тайёрлаш бошланади.

"Сифат элегант сервис" МЧЖда тиббий қўлқоплар, болалар тагликларини тайёрлаш чоралари кўриляпти.

Вилоятимизда доривор ўсимликларни санавот усулда етиштириш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, Қўшрабат туманида кластер шаклидаги "Алихан органик агро" МЧЖ хорижий корхонаси томонидан амалга ошириляётган ишлар кўпчилигининг оғзига тушган. Негаки, 2500 гектар ер майдонида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нафақат етиштириш, балки келгусида шу ернинг ўзида чуқур қайта ишлаш, қадоклаш ва экспортга йўналтириш кўзда тутилган. Корхона Туркия давлати билан ҳамкорликда айни пайтда 1 миллион туп лаванда

ўсимлигини парваришляпти, ўсимлик туп сонини 3-4 миллионга етказиш режалаштирилган. Бундан ташқари, 40 минг туп наъматак экилади.

"FARANGIZ" хусусий корхонаси эса тоғли тумандаги 1,5 гектар ер майдонида экилган 1800 туп наъматакдан ўтган йили дастлабки ҳосилни олди. Улар наъматаклар сонини 10 минг тупга етказиш чораларини кўрмоқда. Шунингдек, 30 гектар ер майдонида пол-пола, ромашка, исриқ доривор ўсимликларини етиштиришни режалаштиряпти.

Бундан ташқари, Ургут туманида "Қўёшли узумзор" МЧЖ 40 гектар жойда коврак ўсимлигини парваришляпти. "Боги Нурафшон" МЧЖ бодом ёғи ишлаб чиқариш учун доривор гиёҳлар етиштиряпти.

Нуробод туманида "Samarkand Herbal medicine" МЧЖ 8 турдаги, "Баҳром бобо" фермер хўжалигида 6 турдаги доривор ўсимликлар етиштирилади.

Ойдин ҚАЙМОВА, фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги вилоят бўлими бошлиғи.

Нарпайнинг ғайратли аёли

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Арзимаган ойликка ишлардик. Пахта-ни парваришлаш жараёнида ҳам қийин эди. Кеча-ю кундуз сувчилар билан бирга далада юрардик. Энди эса азоб-уқубатлар ортада қолди. Етиштирилган пахтамининг бир ой ичида йиғиштириб оляпмиз. Мамлакатимиз мустақилликка эришган, фермер хўжаликлари, кейинги йилларда эса кластерлар ташкил қилиниб, катта имкониятлар ва қулайликлар яратилди.

ПАХТА ДАЛАЛАРИНИ УЙДА ЎТИРИБ СУГОРЯПМИЗ

Фермерларга яратилаётган имкониятлар билан бир қаторда юзага келаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Аммо бу масалалар ҳам босқичма-босқич ўз ечимини топомқда. Масалан, Зайнаб Ҳайдарова раҳбарлик қилаётган "Меҳнат-роҳат" фермер хўжалигидаги ер майдонларида сув

танқислиги ҳосилга ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

Бу йил об-ҳавонинг иссиқ келиши ва сув танқислиги кўрақларнинг қуйишига сабаб бўлди, - дейди З.Ҳайдарова. - Аммо вазиятдан чиқиб кетиш, кўзланган ҳосилни олиш мақсадида 20 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйдик. Бу жуда қулай ва фойдали усул экан. Сув, ўғит, ёқилги, ишчи кучи ҳамда вақт тежаллади. Асосийси, уйда ўтириб, қўлимиздаги телефон орқали пахта даласини суғоришимиз мумкинлиги шу пайтгача етти ухлаб тушимизга кирмаганди.

ҒАФЛАТДА ҚОЛГАНЛАРНИ УЙГОТИШ КЕРАК

Бугунги кунда аҳоли орасида тўрт мучаси соғ бўлса-да, ишлагандан, маҳалла ёки ҳокимликка моддий ёрдам сўраб борувчи боқиманда қишлоқ кўпчилигини ташкил этади. Зайнаб опа депутат сифа-

тида маҳаллалардаги ана шундай ишсизларга ўз маслаҳатларини бериб, камгина ердан мўмайгина даромад олиш сирларини ўргатапти.

- Аксарият ишсиз аёллар ва ёшларимиз ғафлатда қолган, - дейди фермер. - Уларни уйғотиш, меҳнатга ўргатиш учун қўлимдан келганча ҳаракат қилияпман. Шу йил маҳалламиздаги 20 нафар ишсиз ёшга фермер хўжалигимдан 8 гектар ер майдонини бўлиб бердим. Бу ердан унумли фойдаланиш кераклиги ҳақида маслаҳатларини ҳам аямаяпман. Ҳар бири ўзларига ажратилган ерда меҳнат қилиб, биринчи экиндан 20 миллион сўмгача даромад қилди. Иккинчи экин, кейинчалик тўқсонбости экинлардан ҳам мўмайгина даромад олиш мумкин.

38 ЙИЛДА 4 ТА МУҚОФОТ

Сабр, матонат, шижоат, келажакка бўлган ишонч Зайнаб опани бир зум тарқ этмади. Минг бир қийинчиликларни енгиб ўтди.

Меҳнат қилиб, роҳатини ҳам кўрмоқда. Ҳа, фермер хўжалигининг "Меҳнат-роҳат", деб номланганлиги бежиз эмаслигини ҳам исботлади.

- Қишлоқ хўжалиги соҳасида 14 йил ишлаб, Мустақиллигимизнинг 7 йиллик байрами арафасида илк бор давлат муқофоти - "Меҳнат шўҳрати" орденига сазовор бўлдим, - дейди қаҳрамонимиз. - 2014 йилда "Дўстлик" ордени билан тақдирландим. 2017 йилда илк бор декабрь ойининг иккинчи яшанбаси Қишлоқ хўжалиги ходимлари кўни, деб эълон қилинди. Ва, шу байрамда Президентимиз менга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор" унвонини топширди. Бундай эътибор мени руҳлантирди. Ҳозир ёшим 70 да. Энди ишламайман, дам оламан, деб турган пайтда Президентимиз яна бир юксак муқофот - "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирлади. Бу менинг кучимга, ғайратимга ғайрат қўшди ва умримнинг охиригача шу юрт равнақиға хисса қўшиш учун меҳнат қилишга аҳд қилдим.

Бахтиёр МУСТАНОВ.



Ходим вакцина олган эйти олмаганини сўрашга ким ҳақли?

"Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонунда давлат санитария назоратини амалга оширувчи шахсларга эпидемик вазиятларда зарурий ваколатлар берилган.

Вилоят, туман, шаҳар бош давлат санитария врачлари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарлари давлат санитария назоратини амалга оширувчи шахс сифатида белгиланган.

Қонуннинг 12-моддаси биринчи қисми «д» бандига асосан давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларга ўз ваколатлари доирасида иш беришлардан санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилишини талаб қилиш ҳуқуқи берилган.

Шунга кўра, туман ва шаҳарларда жойлашган санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлинмалари эпидемияга қарши тадбирлар доирасида вакциналанган ёки вакциналанмаган бўлиши талаб қилиши мумкин. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи шахс вакцина олмаган ходимларга бунинг учун шароит яратиш зарурлиги қўйишга ҳам ваколатли.

Шу ўринда масаланинг нозик бир жиҳатини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Амалда ходимларнинг шахсига доир маълумотлари

қонунчилик билан муҳофаза қилинади. Демак, шахсий маълумотларнинг асоссиз тарқалиб кетиши ва келгусида турли дилхиралликларнинг олдини олиш учун қайд қилинган маълумотлар норасмий алмашимаслиги, норасмий сўровлар орқали олинмаслиги тўғри бўлади. Яъни, ходимларнинг вакцина олган ёки олмаганини тўғрисидаги маълумотлар расмий сўров ва унга жавоб хати тартибиде амалга оширилиши зарур.

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларнинг фаолиятига аралашиб, давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларга уларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадида қандай шаклда бўлмасин таъсир кўрсатиш тақиқланади.

Бундай ҳолат фуқароларга базавий ҳисоблаш микдорининг иккидан бир қисминдан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан икки бараваригача микдорда, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин такрор содир этилса, фуқароларга базавий ҳисоблаш микдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўқтам КАМОЛОВ, ҳуқуқшунос.

Собиқ тракторчи

хизмат кўрсатган маданият ходими бўлди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

- Олий маълумотли бўлмасам ҳам устозларим ишонч билдириб, мени жамоага таклиф этиши ҳаётимдаги энг катта муваффақиятларимдан бири эди, - дейди у. - Бу ишонччи оқлашни мақсад қилиб ишга киришдим. Ансамблни ташкил этган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Сувонкул Абдуқодиров, композицияли дастурлар муаллифи Мелибои Раҳимов каби устозлар этагидан тутдим. Жамоамиз республика ва халқаро фестивалларда фахрли ўринларни олди.

Эшбек Нормуродов устозлари томонидан билдирилган ишончдан илҳомланиб ижод қилди. Тоғма-тоғ юриб, чекка қишлоқларда яшовчи кайвонилардан мақоллар йиғди. Уларни шеърга солди. Янги кўшиқлар яратди. Жамоани республикамизнинг асосий байрам тадбирларида чиқиш қилиб, нуфузи ортиб борди. Фидокорона хизматлари учун Э.Нормуродов 2014 йилда "Шўҳрат" медали билан тақдирланди. Бу унга янада куч-ғайрат бағишлади. Ансамбль репертуарини бойитишда давом этди. Аудио ва видео дастурлар тайёрлаб, телерадиоканалларга тақдим этди. Жамоанин ижодий ишлари Ўзбекистон миллий телерадиокорпорациясининг "Олтин фонд"идан жой олди. Келгусида ансамбль ишини давом эттириш учун "Чавки" болалар жамоасини ҳам ташкил этди.

Эшбек ака Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида Президентимиз фармониға асосан, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонини билан тақдирланди.

- Бу жуда улкан ишонч, мамлакатимизда санъатга қаратилган эътибор маъсули, - катта ҳаяжон билан сўзида давом этди Эргаш ака. - Устозларим ва ҳамкасбларим олий маълумотли бўлмаганлигимни юзимга солмаслиги учун ҳам интилим, хато қилмасликка уриндим. Ўргандим, ўқидим, изландим. Тўғри, санъатнинг нони қаттиқ, аммо ундан завқланаман.

Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ.



Ҳовлининг эгаси ким? Ёхуд кадастр хизматидаги муаммолар хусусида

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Айнан ана шу ҳолат учун фермер хўжалиқларини кадастр хатловидан ўтказиш қийин кечаяпти. Мисол учун, фермер хўжалиғига тегишли 10 гектар экин майдони бор. Аммо учта даласининг ичида ҳам 2-3 тадан уй-жой қурилган. Ана шу уйлар майдонини қишлоқ хўжалиғи ҳисобидан чиқармасдан, фермер хўжалиғи ер майдонини кадастр қилиб бўлмайдми. Энг ёмон, бу ҳолат Қўшрабат, Нуробод туманлари яйловларида ҳам мавжуд.

Ҳақиқий аҳволни такрор айтаявериб билан муаммо ечимласлиги аён. Хўш, унда нима қилмоқ керак? - Бизда айни пайтда уй-жойга эгаллик ҳуқуқи берилиши сўралган аризалар анчагина, - дейди Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Мақсуд Қўрбонов. - Уларни ижро қилиш жараёнида кўп қийинчиликка дуч келяпти. Жорий йилнинг биринчи ярмида ўтказилган мониторинг натижасига кўра, давлат хизмати кўрса-

тиш соҳасида давлат кадастрлари палатаси туман, шаҳар филиаллари томонидан 1364 ҳолатда қонун бузилиши аниқланди.

Демак, бу соҳадаги ишлар ҳали кўнгилдагидек эмас, шекилли. Кадастр хизмати вакилларининг айтишича, асосий камчилик ижро мuddатини ўтказиб юборишда. Бино ва иншоотларни ўрганиш, ҳизмасини тайёрлаш диққатталаб иш. Айрим қишлоқларни аниқлашга, хулоса қилишга вақт кетади.

- Илгари ишимизга қараб маош бериларди, - дейди собиқ кадастрчи. - Мувофиқлаштириш давлат хизматлари агентлиғига ўтгач, даромад бир бараварга қамайди. Шу боис ишдан кетдим. Бу жараёни одилона кўриб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман. Чунки кадастр палатаси хўжалик ҳисобида фаолият юритадиган корхона. Унга ходимлар, мутахассисларни етарли маош билан таъминлаш учун иш ҳажмининг, бунинг учун тушумини таъминлаш зарур. Аксинча, бугунги кунда айрим ҳамкасбларим 1 миллион сўмга

ҳам бормайдиган маош олишади. Тагин, ҳозирда улар ижро мuddати кечиккани учун жарима тўлаш билан овора.

Энди асосий саволга жавоб берайлик. Бу борада кадастр агентлиги мутахассислари, мажбурий ижро бюроси ҳудудий бўлимлари раҳбар-

лари, ҳокимият вакилларининг ҳам фикри бир хил. Яъни:

- гарчи ноконуний бўлса-да, по-сёлка типини олган яшаш масканидаги уйларни зудлик билан кадастр хатловидан ўтказиш;
- унинг харажати маҳаллий ёки республика бюджетидан қоплаш;
- маҳаллий Кенгашлар тасдиқлагач, уйларга эгаллик ҳуқуқи бериш;
- экин майдонининг четидеги ёки чала иморатларни суд қарори билан буздириб, бундай уй эгаларига бошқа ердан жой ажратиш лозим.

Ер - давлат бойлиги, халқнинг даромад манбаи. Ерни хўрлаган элни хор қилади. Аммо ҳозирги шароитда йиллар давомида тўп-лаб қолган муаммо ечимида жуда эҳтиёткорлик билан қарор қабул қилиш даркор.

Дарвоқе, Кадастр агентлиги вилоят бошқармасига борганимда ходимлар эски компьютерлардан фойдаланаётганини кўрдим. Бу масала ҳам тезда ўрганилиши керак. **Фармон ТОШЕВ.**

Этиқдўзлик яхши ҳунар

Тикувчи, дурадгор, заргар, пойабзал устаси... Улар-га кунда бўлмаса-да, ишимиз тушади. Кўйлагимиз йиртилса, ўзимиз тикиб олишимиз мумкин. Лекин оёқ кийимимизда нуқсон чиқса, пойабзал устасига олиб бормай иложимиз йўқ.

Пاختачи тумани Зиёвуддин шаҳарчасида Собир ака деган пойабзал устаси бор. У кишини танимаган инсон йўқ. Кимнинг оёқ кийими йиртилса, Собир устага югуради. Шаҳарчамизда бошқа пойабзал усталар ҳам бор, ammo иши сифатли ва ҳамёнбол бўлгани учун унга мурожаат қилишади. Устанинг яна бир одати бор. Ҳар гал мижозларга қандай оёқ кийим кийиш, сотиб олаётганда нималарга эътибор бериш кераклигини тушунтиради.

– Отам иситиш печлари ясайдиган уста эди, – дейди Собир ака Шукуров. – Лекин мен бу касбни танламадим. Болалигимдан уйдаги пойабзалларни тикаётганимни кўрган акам пойабзалчи устага шогирдликка берди. Устозим Фейзи Ибрагимов, яъни Феда бувадан пойабзал таъмирлашни ўргандим. Мана, 30 йилдирки, шу касб орқасидан рўзгор тебратяпман. Икки нафар фарзандимни ўқитдим. Собир аканинг ўнлаб шогирдлари бор. Лекин



уста сўнги вақтларда бу ҳунарни ўрганмоқчи бўлган ёшлар камайганини куйиниб айтди. – Ёшларимиз негадир бу ҳунарни ўрганишга умуман қизиқмай қўйди, – дейди Собир ака. – Бундан 15-20 йил олдин шогирдликка тушмоқчи бўлган йигитларимиз кўп эди. Майли, бу касбни эгалламасин, ammo ўрганиб қўйса, ақали оила аъзоларининг оёқ кийимларини таъмирлайди-ку!

Муниса ШАМСИЕВА.

Самарқанд давлат университети ҳузуридаги Гулобод агробиотехнологиялар техникумида дарслар дуал таълим асосида олиб борилмоқда. Яъни, муассасада олган назарий билимларимизни амалиётда синаб кўриш учун етарлича имкониятлар яратилган.

Техникум билан "SAG AGRO IN VITRO" лабораторияси, "Агромир" МЧЖ шаклидаги

Ўқиймиз, ўрганамиз

қўшма корхона, Самарқанд ветеринария медицинаси институти ўртасида ҳўжалик ва ҳамкорлик шартномалари имзоланган бўлиб, амалий машғулотлар ушбу корхоналарда ўтилади.

Агронимия, агрокимё, иссиқхона ва парник ҳўжалиги таълим йўналиши талабалари бир неча бор Жомбой туманида жойлашган "IN VITRO" лабораториясида бўлди.

Техникумда ҳафтанинг пайшанбаси – ўқувчилар илмий тўғараги куни, деб эълон қилинган. Шу куни ҳар бир гуруҳ талабалари ўтган бир ҳафта давомида олган назарий ва амалий кўникмаларини синовдан ўтказиш мақсадида мавзулар бўйича мустақил тарзда слайдлар орқали тақдимот ўтказди.

Нурхон ХОЛДОРОВА, техникум талабаси.

Талқон тайёрлашни биласизми?

Қадимдан ота-боболаримиз нонни жуда эъзозлашган. Улар ҳатто ноннинг увогини ҳам нон ҳисоблаб, уни ташлаб юборишни оғир гуноҳ, деб билишган. Ноннинг увогини ташлаб юбормай, талқонни ўйлаб топишган. Талқон қотган нон бўлақларидан

тайёрланган. Дастлаб қўлбола келида қотган нон бўлақлари майдаланган. Сўнгра мазали бўлсин деб унга бироз шакар қўшилган. Авваллари ҳар бир хонадонда талқон тайёрланган. У мазали ва тўйимли бўлиб, айниқса, сафарга кетаётган-

лар учун қўлай бўлган. Аммо негадир кейинги вақтларда талқон тайёрлаш одамларнинг ёдидан кўтарилди. Баъзилар юмшоқ, бугун тандирдан узилган нонни истеъмол қилади, сал суви қочиб қолган нонни емайди. Мутахассисларнинг айтишича, инсон саломатли-

гига юмшоқ нондан кўра, суви қочган нон фойдали ҳисобланар экан. Шунинг учун бекаларимиз қотган нон бўлақларини ташлаб юбормасдан, уни талқон қилиб, дастурхонга тортишса, рўзгор янада баракали бўлади.

Нуриддин ЯХЎЕВ.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada ikki marta - chorshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ИЖАРАГА ЖОЙ КЕРАКМИ?

Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси қуйидаги объектлар ижарага берилишини маълум қилади:

Т/р	Балансда сақловчининг номи	Ижарага берилаётган майдон (кв.м.)	Фойдаланиш мақсади	Ижарага берилаётган объект манзили
1	Самарқанд ахборот технологиялари техникуми	94	Ўқув муассасаларида умумий овқатланиш	Самарқанд шаҳри Х.Абдуллаев кўчаси, 63-уй
2	Булунғур тумани халқ таълими бўлимига қарашли 70-умий ўрта таълим мактаби	60	Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш	Булунғур тумани Чангал-1 МФЙ
3	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги Каттақўрғон сервис техникуми	403,76	Олий ва ўрта-максус маълумотли кадрлар тайёрлаш (ўқув курслари билан)	Каттақўрғон шаҳри Дўстлик МФЙ, Самарқанд кўчаси, 70-уй
4	Ургут тумани халқ таълими бўлимига қарашли 93-умий ўрта таълим мактаби	302,58	Олий ва ўрта-максус маълумотли кадрлар тайёрлаш (ўқув курслари билан)	Ургут тумани Жартепа МФЙ, Эрнийез қишлоғи, 3-сектор
5	Ургут тумани халқ таълими бўлимига қарашли 93-умий ўрта таълим мактаби	40	Чакана савдо	Ургут тумани Жартепа МФЙ, Эрнийез қишлоғи, 3-сектор
6	Паст Дарғом тумани халқ таълими бўлимига қарашли 93-умий ўрта таълим мактаби	14	Чакана савдо	Паст Дарғом тумани Янги Равот МФЙ
7	Паст Дарғом тумани халқ таълими бўлимига қарашли 62-умий ўрта таълим мактаби	18	Чакана савдо	Паст Дарғом тумани Мехнат МФЙ
Жами		932,34		

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин: Самарқанд шаҳри Спитамен шоҳкўчаси, 157-“А” уй. Тел/факс: 66-233-23-52.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Паст Дарғом тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида 2010 йил 26 майда 162 реестр рақами билан рўйхатга олинган "MUNAVVAR DIYOR MASKANI" хусусий корхонаси (қисқартирилган номи: "MUNAVVAR DIYOR MASKANI" ХК) корхона таъсисчиларининг 2021 йил 14 сентябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда. Шу муносабат билан унга билдирилмаган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.

Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти, Паст Дарғом тумани, Болтали маҳалласи. Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 300042439.

Оқдарё туманидаги «USTO SUXROB MAXSULOTLARI» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 300853083) ўз устас фондидан 158 014 940 (бир юз элли саккиз миллион ўн тўрт миң тўққиз юз кичик) сўмдан 20 000 000 (йигирма миллион) сўмгача камайтирмоқда. Шу муносабат билан унга билдирилмаган барча даъволар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Оқдарё тумани Барака қўрғони.

Жомбой туманидаги «DMA STROY MATERIALI» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 307489991) ўз устас фондидан 5 000 000 (беш миллион) сўмдан 100 000 (бир юз миң) сўмгача камайтирмоқда. Шу муносабат билан унга билдирилмаган барча даъволар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Жомбой тумани Холвой қишлоғи.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нурқосимов Рамзиддин Сайфиiddинович нотариал идорасида марҳум Алимова Мунавварга (2020 йил 2 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нурқосимов Рамзиддин Сайфиiddинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 80-уй.

Тойлоқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳасанов Аловиддин Ғиёсиiddин ўғли нотариал идорасида марҳум Аблакулова Мархабога (2019 йил 26 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳасанов Аловиддин Ғиёсиiddин ўғли нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Тойлоқ тумани Тойлоқ шаҳарчаси.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасида марҳум Аллахвердова Рита Вертановнага (2020 йил 15 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Ибрагимов Сайидмурод Рефатовичга (2020 йил 14 октябрда вафот этган)

тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Хайруллаев Алишер Болевичга (2021 йил 6 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳамидов Норбек Комил ўғли нотариал идорасида марҳум Гуляшев Хайрдинга (2000 йил 19 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳамидов Норбек Комил ўғли нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Амир Темур кўчаси, 48-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасида марҳум Раҳимов Аҳрага (1971 йил 28 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Тойлоқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Валиходжаев Фарзод Батирович нотариал идорасида марҳум Эргашева Халоватга (2006 йил 7 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Валиходжаев Фарзод Батирович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Тойлоқ тумани Тойлоқ шаҳарчаси.

Тойлоқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Валиходжаев Фарзод Батирович нотариал идорасида марҳум Буранова Нигора Эргашевнага (2019 йил 23 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Валиходжаев Фарзод Батирович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Тойлоқ тумани Тойлоқ шаҳарчаси.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Таштанов Джурабайга (2020 йил 14 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида марҳум Юдина Валенти-

на Ивановнага (2021 йил 14 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Аҳроров Ибадулла Нарзикуловичга (2020 йил 22 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолiddин Мўҳидидинович нотариал идорасида марҳум Фахруллоев Нормурод Жамолевичга (2021 йил 19 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолiddин Мўҳидидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нурқосимов Рамзиддин Сайфиiddинович нотариал идорасида марҳум Ахмедов Раҳматга (2015 йил 19 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нурқосимов Рамзиддин Сайфиiddинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасида марҳум Негматов Уктамга (2016 йил 1 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Паст Дарғом туманидаги 56-умий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Толипов Жасур Мансур ўғли номига берилган УМ № 0524599 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги 116-умий ўрта таълим мактабидан 2021 йилда Арзиқулова Насибхон Тоҳир кизи номига берилган УМ № 0968598 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги 56-умий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Пардаев Феруз Абдусайд ўғли номига берилган К № 2492253 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги 71-умий ўрта таълим мактабидан 2000 йилда Жумаева Гулрўз Ташуплатовна номига берилган О'Р-А № 758342 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқол-

ганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 1-ўрта мактабдан 1998 йилда Абдуллоев Азиз Зубайдуллоевич номига берилган О'Р-Д № 748301 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ тадбиркорлик ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2019 йилда Ғафуров Азиз Фуқрат ўғли номига берилган рўйхат рақами 254, К № 5557986 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 3-ўрта мактабдан 1981 йилда Тайлаков Абдуманоб Номозович номига берилган № 227118 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университетидан 1991 йилда Мирзаев Нейъматилло Меликулович номига берилган рўйхат рақами 941, ФВ № 944146 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 64-умий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Нейматов Нурмалик Аброр ўғли номига берилган УМ № 0544387 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Собиқ Ғўзалкент туманидаги 2-ўрта мактабдан (ҳозирги Паст Дарғом туманидаги 82-умий ўрта таълим мактабидан) 1995 йилда Усарова Нилфуфар Худайбердиевна номига берилган АО № 126985 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нарпай туманидаги 57-умий ўрта таълим мактабидан 2021 йилда Тиловова Мухаммад Шерзод ўғли номига берилган УМ № 0956492 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нарпай туманидаги 2-умий ўрта таълим мактабидан 2018 йилда Раҳимова Мўътабар Рустамжон кизи номига берилган УМ № 0146735 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нарпай тумани Оқтош қурилиш ва коммунал хўжалик коллежидан 2017 йилда Солиев Ёқубжон Шухрат ўғли номига берилган рўйхат рақами 277-17, К № 4698532 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги 44-умий ўрта таълим мактабидан 2021 йилда Раҳматова Диёра Илхомовна номига берилган УМ № 0962470 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги 20-ўрта мактабдан 1994 йилда Файзиев Махмуд Рўзибоевич номига берилган № 148826 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд иختисослаштирилган санъат ва маданият мактабидан 2020 йилда Турсунов Сўҳроб Санжар ўғли номига берилган рўйхат рақами 13, IM № 001912 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЙИГИЛИШДА ҚАТНАШИНГ!

Самарқанд шаҳридаги «Мармар деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2021 йил 28 сентябрь куни соат 10:00 да жамият маъмурий биносида бўлиб ўтади.

Кун тартибидан:
– жамият раисининг 2020 йил якунлари бўйича ҳисоботи;
– жамиятнинг 2021 йилги бизнес-режасини тасдиқлаш;
– бошқа масалалар.

Йиғилишга барча таъсисчиларни тақдир қилишимиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Шоҳрух кўчаси, 33-уй. «Мармар деҳқон бозори» МЧЖ биноси. ЖАМИЯТ МАЪМУРИЯТИ.

ТОПГАНГА МУКОФОТ!

Фуқаро Шаропов Ақобир Фазлидониновичнинг фуқаролик паспорти, ҳарбий гувоҳнома, хайдовчилик гувоҳномаси ва дипломи Самарқанд шаҳри ҳудудда тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатларни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

Телефон: +99893-115-62-33.

Паст Дарғом туманидаги 44-умий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Бурйоев Хонданир Сирождидин ўғли номига берилган УМ № 0524053 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги 31-умий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Абдуллоева Севинч Шокир кизи номига берилган УМ № 0517042 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 3-умий ўрта таълим мактабидан 1999 йилда Раҳматиллаева Наргиза Жўрабоевна номига берилган У № 4247743 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 6-ўрта мактабдан 1995 йилда Хатамова Раъно Эгамқулова номига берилган АО № 113815 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат тиббиёт институти академик лицейидан 2019 йилда Бобоназаров Суннатилло Усмон ўғли номига берилган рўйхат рақами 320, УМ № 366989 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университетида 2008 йилда Кувондиқов Лазиз Меликулович номига берилган рўйхат рақами 1781, В № 403378 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги «KONDOR NAFIS» фермер хўжалигининг (СТИР: 304864662) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 57-умий ўрта таълим мактабидан 2014 йилда Аманов Шоҳжаҳон Амон ўғли номига берилган УМ № 6425225 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 35-ўрта мактабдан 1996 йилда Рожкова Алевтина Владимировна номига берилган В № 033627 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги Темиров Валижон Худойбердиевич яқна тартибдаги тадбиркорининг (СТИР: 479219187) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолган

